Олимпиаданинг адолатли ўтишини таъминлаш мақсадида чет эл ваколатхоналарининг мутахассисларидан фанлар бўйича ҳакамлар ҳайъати тузили. Адолат ва мандат комиссиялари ишлади. Тадбир маросимлари оммавий ахборот во-ситаларида ёритиб борилди. Кундаклик "Олимпиада ойнаси" чиқиб турди, мъянавий-маърифий ишлар амалга оширилди...

Республика олимпиадасининг иккинчи босқичида қатнашиш учун 20 олий ўқув юртидан 40 талаба, 31 нафар му-

ди. Испан тили бўйича дастлабки голиблар ҳам аниқланди: фахрли биринчи ўринни Тошкент давлат шарқшунослик институтининг талабаси Дилшод Саиджонов (81,5 балл), иккинчи ўринни университетимиз талабаси Наргиза Азизова (78,72 балл) ҳамда учинчи ўринни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси Алексей Исанов (77,5 балл) эгалладилар.

Икки кун давом эттан олимпиадада инглиз тили бўйича биринчи фахрли ўринни Юлия Василева (ЎзДЖТУ, 83,5 балл), иккинчи ўринни Олга Пустовалова (СамДЧТИ, 80,5 балл) ва учинчи ўринни Искандар Соттибоев (АндДПИ, 74 балл); немис тилидан биринчи фахрли ўринни Юлия Кривенкова (СамДЧТИ, 82,2 балл), иккинчи ўринни Ирина Дудар (ЎзМУ, 81,8 балл) ва учинчи ўринни Светлана Кагирова (ФарДУ,


зат-эҳтиром кўрсатилди. Фолиблар Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг дипломлари ва нишонлар билан тақдирландилар. ЎзДЖТУ ректорати томонидан эса олимпиада голиблари қиммат баҳо совирнлар билан мукофотланмоқдалар. Масалан, бу йилги олимпиаданинг тўрт тил (инглиз, немис, француз, испан тиллари) бўйича мусобақа голибларига тўртта ранги телевизор, тўртта видеомагнитафон ва тўртта аудиомагнитафон совфа қилинди.

Француз тили бўйича биринчи ўрин голиби ЎзДЖТУ тала-




Олимпиаданинг очилиш маросимидан лавҳа.

ОЛИМПИАДА — БИЛИМ ВА ТАФАККУР МЕЗОНИ



Француз тили бўйича I ўрин сохиби ЎзДЖТУ талабаси Барҳаёт Мирпўлатов.

таксисис ўқитувчи келди. Шуни ҳам айтиш лозимки, бу йил олимпиадачилар сафи кенгайиб, яна уч олий ўқув юрти — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат юридик институти, Тошкент давлат шарқшунослик ин-



Инглиз тили бўйича I ўрин сохиби ЎзДЖТУ талабаси Юлия Василева.

78,2 балл) ҳамда француз тилидан биринчи ўринни Барҳаёт Мирпўлатов (ЎзДЖТУ, 83 балл), иккинчи ўринни Илкинур Бараташвили (СамДЧТИ, 78 балл) ва Гўзал Абдураҳмонова (ЎзМУ, 73 балл) кўлга киритдилар.

Олимпиадада иштирок эттан олий ўқув юртлари орасида команда кўрсаткичлари бўйича биринчи ўринни ЎзДЖТУ, иккинчи ўринни СамДЧТИ, учинчи ўринни ЎзМУ талабалари эгалладилар.

— Билим, ақл-заковатни қадрлашни ўрганишимиз керак, — деб кўп тақрорлайди универ-



ститути талабалари келиб қўшилди.

Олимпиада низомига кирилтган янгиликка биноан олий таълим муассасаларининг ҳар бири тегиши тиллар бўйича фақат биттадан иштирокчи юбордилар. "Бу ўзгариш талабанинг жавоб берни учун кўпроқ вақт ажратиб, унинг билимини чуқурроқ ўрганишга имкон берди", — дейди умумий ҳакамлар ҳайъати раиси Аббос Ирискулов. Яна бир янгилик шуки, республика тарихида биринчи марта испан тили олимпиада мусобақаларига катта из-

баси Барҳаёт Мирпўлатовга ҳомийлар томонидан Франция бўйлаб саёҳат йўлланмаси топширилди. Француз тилидан бошқа голиблар ҳам Францияда маҳсус семинарда қатнашадилар.

Иштирокчи талабалар ва уларнинг ўстозларини тақдирлаш борасида айтиш керакки, ўтган йилдан бошлаб, олимпиаданинг якуний ийғилишида кўрикнинг энг ёш қатнашчиси, энг ёши улуғ қатнашчиси, энг жозибали хотин-қиз қатнашчиси, шу ойда туғилган талабалар маҳсус соввалар билан сийланмоқда. Бу йилги танловда, масалан, "Мисс олимпиада" соврининг инглиз тили кўригига иккинчи ўринни олган Самарқанд давлат чет тиллар педагогика институти талабаси Олга Пустовалова муносиб тақдирлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар. Буларнинг ҳаммаси республикада чет тилларига бўлган қизиқишни янага оширади, кейинги олимпиадалар муваффақиятiga мустаҳкам замин бўлиб хизмат қиласи", — деган сўзлари бўлиб ўтган кўрикка муносиб баҳодир.

Хорижий тиллар бўйича бу йилги олимпиада ҳақидаги фикрларимизни якунлар эканмиз, уни таомиллаштириш юзасидан умумий ҳакамлар ҳайъатининг раиси Аббос Ирискулов билдириган бъязи мулоҳазаларни келтириб ўтишни лозим топди. У кишининг фикрича:

"...биринчидан, олимпиадага мўлжалланган вазифалардан бирни бўлган синхрон таржимани чиқариб ташлаб, унинг ўрнига илм-фанга оид матн ёки бадиий асарлардан парчаларнинг ёзма таржимаси киритилса;

ииккичидан, олимпиадага аввал қатнашган талабанинг кейингиларига келиши ман этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди".

Агар фанлар олимпиадаларидан кузатилган мақсад — талабалар билимини чуқурлаштириш, билимдонлар сафина кенгайтириш бўлса, унда тақлифимизни ўринли, деб ҳисоблаймиз. Шу тақдирда бошқаларнинг ҳам бундай йирик тадбирда ўз билимларини синашига имконият яратган бўлардик".

Махмуд САДДИЙ



Немис тили бўйича I ўрин сохиби Самарқанд давлат чет тиллар педагогика институти талабаси Юлия Кривенкова.

Ўтган йили Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси ташабуси билан Асака шаҳрида мархум милиция подполковниги Баҳодир Ҳошимов номидаги ўкув маркази қошида кўшимча тарбияга муҳтож болалар учун ҳарбий-спорт соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этилган эди. Ташабусни вилоят касаба уюшмалари кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, «Софлом авлод учун» республика жамғармаси вилоят бўлими фаол қўллаб-қувватладилар. Ўтган йили оромгоҳда уч босқичда 125 нафар бола ҳордик чиқарди.

Куни кечга Асака шаҳридаги мазкур оромгоҳ-

ҲАРБИЙ-СПОРТ, СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲИДА

да янги мавсумнинг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Биринчи босқичда ҳордик чиқарадиган 75 нафар бола 3 гурӯхга бўлинган ҳолда бир хил либосларда шахдам қадамлар билан майдонга кириб келдилар. Уларни вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги М.Шамсиддинов, «Софлом авлод учун» республика жамғармаси С.Иномова, Асака шаҳар про-курори Б.Деҳқонов қизғин муборакбод этиди.

Болалар оромгоҳ конун-қоидаларини бузмасликка ва Ватанга садоқатли фарзанд бўлишга қасамёд қилдилар. Оромгоҳга ташриф буорган турли ташкилотлар вакиллари ва ота-оналар болалар тайёрлаган концерт дастурини томоша қилдилар.

О.СИДДИКОВ

ЎСЛОЗДА ТАЪЗИМ

Мен ёш қаламкаш сифатида эндиғина журналистик фаолиятимни бошлаган пайтларим эди. Риштон туманидаги «Риштон ҳақиқати» газетаси таҳририятига мусахҳиҳ бўлиб ишга келдим. Шу соҳада ишлагандар яхши билишадики, бу вазифа жўнгина тувлса-да, лекин унинг масъулияти газета чоп этилишида катта аҳамиятга эга. Мен мусахҳиҳларни гуруч тозалаётган кишиларга ухшатман. Тўғрисиям шундай. Терилган матнларни хатолардан тозалаб, керак бўлса, гализ жумлаларни ўнглаб, навбатчи га етказишидек масъулият ана шу ходим зиммасида туради. Уша пайтларда бугунгидек замонавий техника бўлмаган. Газетанинг топчилини бўзсан ярим тунга бориб қолар эди. Ана шундай аҳволда ишлаш бъязида қийиндек тувлар, шу пайтларда бор-э, деб ишни ташлаб кетмоқчи ҳам бўлардим. Лекин менинг журналистика га бўлган қизиқишим барча қийинчилклардан устун келарди. Энг асосийи эса, жамоа-

нинг аҳиллиги, илк устозларим Неъматжон Шерматов (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин), фахрийлар сафига ўтганига ҳам бир неча йил булишига қарамай ҳамон журналистик фаолиятини давом эттириб келаётган қалами ўтқир устозим Мирзакарб ака Мирзаҳмедовлар менга далда бўлишган. Мирзакарб аканинг бир яхши хислати менга ёқарди. Узи қишлоқ ҳужалиги бўлимни бошқарса-да, бошқа соҳадан ёзган материаллари ҳам ўқиши, жонли чиқарди. Ҳозирда ҳам устоз матбуотда ана шундай публицистик мақолалари билан қатнашиб келмоқда. У киши менга доимо «Олинган маълумотлар бўйича шу куннинг ўзида мақола тайёрлаш керак, эртани кунга қолган ишнинг чаласи кўп бўлади», деб сабоқ берар эди.

Кейинчалик, бўлимга ўтиб ишлаганимда ҳам, вилоят газеталарида мухбирлик қилганимда ҳам, қолаверса, ҳозир ҳам устознинг ўйтлари менга аскотади.

Акромжон ТУРСУНАЛИЕВ,
журналист

Ангрен шаҳридаги 23-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда Дадабоев Мақсудали Муратович номига берилган АОН № 033586 ракамли шаҳодатнома йўқолганилиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта мактуб таълим вазирлиги жамоаси Ахборотлар таҳлили ва назорат бўлими бўш мутахассиси Ҳусан Дўстовга опаси

Мехри ЖУМАНОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

А.Авлоний номидаги Халиқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш мақасини ошириш Марказий инститuti ректорати ва жамоат ташкилотлари институтнинг собиқ илмий-методик ишлар бўйича проректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатсан ўқитувчи

Оқилхон ШАРИПОВнинг вафот этганлиги муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Халиқ таълими вазирлиги тизимидағи «Bioekosan» Республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуаси раҳбарияти ва жамоаси мажмуманинг ойли тоифали услубчиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Дарвишали ТЕШАБОЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат авиа-ция институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси жамоаси институт "Учиш аппаралари деталларини ишлаб чиқариш" кафедраси доценти Э.Умаровга аласи

АЗИЗ ақанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат Авиация институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси "Амалий механика" кафедраси доценти С.Ҳасановга падари бузруквири

МАҶРИФ отанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Xullas, "falon" o'qituvchi qo'ygan baho to'g'ri bo'lib chiqqdi. Otaxon rosa xijolat bo'ldi. Sinov bahona uch yildan buyon gaplashmay yurgan qo'shnisi bilan yarashib oldi. Bundan o'qituvchi mamnun bo'ldi, albatta. Biz ham quvondik...

Ma'rifa

Xabar

Бундан бир неча йил муқаддам Президентимиз Ислом Каримов ташабуси билан ташкил этилган Республика банк-молия академияси, мана 7 йилдирки, юртимизда шу соҳага етук кадрларни етишириб бермокда. Академия маълака ошириш ва қайта тайёрлаш борасида ҳам кўпгина ижобий натижаларга эришмоқда.

Яқинда мазкур ўкув даргоҳида жаҳон иқтисодиёти билан миллий иқтисодиётимизнинг боғликлиги, молия-иқтисод соҳасида олий малакали кадрларни тайёрлаш лойиҳасини ишлаб чиқишига бағишиланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирга Республика вазирларни идоралари, йирик корхона ва банк ходимларидан иборат ва-

ИҚТИСОДИЁТНИ ЮКСАЛТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

киллар жалб қилинди.

— Мақсадимиз — ягона. У ҳам бўлса малакали кадрлар тайёрлаш. Энди академиямизнинг ўзини кўрсатиш вақти келди, деб ўйлайман. Буни муассасанинг бир неча йиллик ижобий тажрибаларига, эришилган ютуқларига таяниб айтаяман. Дарсларнинг 36 нафар фан докторлари, 75 нафар фан номзодлари ҳамда 50 дан ортиқ олий малакали мутахассислар томонидан олиб борилиши ҳам академиянинг илмий салоҳияти юксаклигидан далолат беради, — деди йиғинда сўзга чиқкан академия ректори Р.Қосимов.

Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари институт томонидан тайёрланган анкета-сўровномаларга жавоб бердилар ҳамда ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

Бехруза КАРИМБЕКОВА

“Фалон” муаллим менинг фарзандимга ҳамиша паст баҳо кўйиб келади. Ўртамида келишмовчилик борлиги туфайли боламиз азият чекади, ўша ўқитувчини ишдан бўшатасиз...”

Бизга бу гапларни айтган ота-хонга вазиятни ётиғи билан тушунтириш билан ташкидир. Бошқа ўқитувчилардан иборат маҳсус комиссия тузиб, ўқувчининг билимни ва иқтидорини синовдан ўтказдик. Энг муҳими, ота-хоннинг ўзи ҳам синов пайтида қатнашди. Ҳуллас, “Фалон” ўқитувчи кўйиган баҳо тўғри бўлиб чиқди. Ота-хон роса хижолат бўлди. Синов баҳона уч йилдан буён гаплашмай юрган қўшниши билан ярашиб олди. Бундан ўқитувчи мамнун бўлди, албатта. Биз ҳам қувондик...

**Хотам КОДИРОВ,
Пастдарғом туман ХТБ мудири,
Файрат БОБОКУЛОВ,
“Пастдарғом ҳақиқати”
газетаси мұхаррир йиғинбосари**

Бугун таваллуд топган кунингиз. Қалбимдаги согинчлар, армонларни қоғозга туширишига ошиқаяпман. Сиз билан бирга бўлган дамларимда тонгларимиз оппоқ, бокира эди. Афсуски, сиздан фақатгина ширин ва қайтарилмас хотираларгина қолди...

Ҳаёт шундай маскан эканки, баҳт ва баҳтсизлик ҳамиша изма-из юаркан. Асли инсон ўз қисматининг эгаси. У қандай шароитда яшамасин, шу торгина оламда юз берәётган воҳеалар, яхши-ёмон сўзлар, армонлару дардлар ҳаётининг ҳам қувончили, ҳам қувончсиз ташвишлари биргина қисмат эгасиники бўлиб қоларкан.

Онахонгинам, ҳаётининг дарду аламларига шунчалар кўнишиб қолганимдигиз, ҳаётингиз-

нинг сержило саҳифаси энди очилай деганда, жонингиз чок-чокидан сўклиди.

Онахон, биттагина, ширингина жонингизнинг сизу биздан бўлак најоткори ҳам йўқ эди-ку

СОҒИЧ

аслида! Сизсиз бу ўтаётган умримиз кўз ёшлилардан бунёд бўлган уммонга ўхшиди.

Инсон ҳаётидага орзулари армонга дўниб кетмаслиги учун ҳаракат қиласди. Нега бизнинг армонларимиз камайиш ўрнига юрагимизнинг тубтубига жойлашиб олмоқда? Онахон! Биламан, ҳаммасини биламан, биз

Xotira

қанча азоб чексак, сизнинг руддингиз шунчалик кўп қийналади.

Энг, энг баҳтили онаси хаёт қизлар тимсолида ўзимни кўргим келади. Афсуски, бу фақатгина хаёлимда бир лаҳзагина кечадиган кўнгил таскини. Мен ҳам баҳтили бўлармишман? Айтишади-ку, баҳтнинг бир чеккаси кемтик бўлади деб. Назаримда менинг баҳтимнинг тўрттала чеккаси ҳам кемтик бўлса керак. Йиғлайману кўзларим ёшлиланмаяпти, юрагимнинг бир чеккасида одамлар кўзидан йироқ бир оролча бор. Мен кўз ёшлиларимни ўша ерга тўкиб, бошимни ўша сувга чаяяпман.

Илоё, жойларингиз мангу жаннат бўлсин! Онахоним, мангу армоним...

Умиди ЖАЛИЛОВА

ЭЛЧИННИГ ИБРАТИ

Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқуладда ва Мухтор элчиси жаноб Жон Хёрбст ҳар гал бирор-бир тадбирда нутқ сўзлар экан, сўзини тўрт-бешта ўзбекча гапдан иборат кириш сўзи билан бошлади. Элчининг тайёр қозодаги матнни тутилиб-тутилиб ўқиши менга жуда-жуда ёқади. АҚШдек қудратли давлатнинг расмий Тель-Авив ва Москвада ишлаган юқори мартабали дипломатининг ҳақиқий дипломатигига, инсон қалбига қандай йўл топиш мумкинлигини жуда яхши хис этишига қойил қоламан. Унинг ўзбекона лутфини тинглаганимда, унга бўлган самимий ҳурматим яна бир хисса ошади.

Тил — миллатнинг кўзгуси. Кўзгуни асраб-авайламоқ эса номуси, ори бутун миллат фарзандларининг бурчи. XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ва XXI асрда «Ўзбекистон» ва «ўзбек» сўзлари дунё узра баралла янграй бошлади. Бу барчамиз учун энг улуф ва энг тотли ИСТИҚЛОЛ неъмати экани ҳеч кимга сир эмас.

1989 йилнинг октябринда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг эса, кўпчилик назаридан тил муаммоси, уни ўрганиш, тарғиб килиш ва қонуниятларига амал килиш масалалари ўз-ўзидан ҳал бўлгандек тасавур үйғотди. Гўё бундан бўёғи барча муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўладигандек. «Холва деган билан оғиз чучимаслиги» ҳақидаги ҳалқона нақлни шу ўринда яна бир бор эслаш ўринли. Албатта, кўпчилик қатори зиёлilarни ҳам боғзор иқтисоди шароити тил масаласидан кўра, ўзга муаммаларни ҳал этишга унданаган бўлса, ажаб эмас. Мамлакатга четдан кириб келган ва баязи ички омиллар таъсирида шаклланган оқибатида тилимиз мақомеига соя колаётган муаммаларни факат 21 октябрь (давлат тили мақоми берилган кун) теварагида айтадиган бўлиб қолдик. Унда ҳам юзага келган эҳтиёж нуқтаи назаридан эмас, мажбурият юзасидан.

Ўтган йилларда баязи куюнчак замондошларимизнинг ўткирчиқишлиарини инобатга олмандан, матбуотимиз давлат тили масаласида сукут сақлади. Менинчам, давлат тили қонунда белгиланганидек меъёрда амал килишини ёклаб айтадиган асосли гарни ҳар қандай маданиятли киши тўғри қабул қиласди. Қолаверса, минтақадаги бирор-бир давлатда миллатларро ва динларро муносабатлар ўзбекистондагичалик ижобий ечилмаган. Бу борадаги фикримизга шубҳа билан қарасангиз, Юрий Подпоренконинг «Русский журнал» манбаси асосида CentrAsia Banner Net сайтида 2003 йил 4 апрелда босилган «Обыватели или демиурги. Русские в Узбекистане: вчера, сегодня, завтра» сарлавҳали маколасига назар солишингиз мумкин.

ЗАИФ НУҚТАЛАРИМИЗ

ёхуд қонун ва реклама-нинг тили хусусида

Ўзбек тили аҳамиятининг давлат миёсига талаб даражасида эмаслигига бир қанча омилларни сабаб сифатида кўрсатиш мумкин. **Аввало**, ҳокимият тизимида хизмат килаётган бир қатор ҳамюрларимизнинг ўзга тиль таъсирида ўсиб-улғайгани ёхуд таълим олгани уларнинг ўзбек тилига бўлган муносабатини иккичи даражага тушириб қўйганидан кўз юмиб бўлмайди. Табиийки, «барча ма-

кўзланган мудда йўқолмайдими?

Россия Федерациясининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни 5-модда 2-қисмida: «**Реклама на территории Российской Федерации распространяется на русском языке и по усмотрению рекламодателей дополнительно на государственных языках республик и родных языках народов Российской Федерации...**» деган қатъий жумлани кўрамиз. Демак, Россияда реклама аввало рус тилида, ундан кейин эса **қўшимча** равишда Россия Федерацияси республикаларининг давлат тилида ва шу заминда яшайдиган ҳалқларнинг она тилида, қисқаси исталган тилда берилади.

Иккинчидан, давлат миёсига қабул қилинаётган қарор ва қонунларнинг аввал чет тилида тайёрлангач, моҳирлик билан давлат тилига ўғирилиши тажрибаси тилимизни «иши» тildan гүё «оксияк» (**амалда эса унда-бунда эсланадиган, камроқ қўлланадиган маъносида**) тилга айлантириб қўймоқда. Ажабланарни томони шундаки, бу ҳолни кейнинг пайтда кўпчилик жуда табиии қабул қилишга намойши ўлароқ, рус тилида бе-

лари (етикетка)да ҳам ҳеч иккимасдан ўзбек тилини иккичи, учинчи даражаларга тушибириб қўйиш, баъзан ҳатто, бемалол «унутиб» қўйиш ҳоллари учраб туриби. Сифатидан кўра арzon нархи билан тилга тушган «DENTA-MED» тиш ювиш пастаси кутисида маҳсулот ва уни ишлаб чиқарган корхона ҳақида ги маълумотлар «RUS» белгиси остида рисоладагидек русча, «KZ» белгиси остида рисоладагидек қозоқча бериладио «UZ» белгиси остига «DENTA-MED» TISH PASTASI» деган жумладан бошқа сўз рисоладагидек ўзбекча ёзилмайди-да.

«ГОСТ 7983-99 Срок годности 18 месяцев Дата изготовления указана на тубе. Хранить при температуре не ниже 0° С и не выше +25° С.Д.П «PALLADA VOSTOK» («ПАЛЛАДА ВОСТОК») Узбекистан, г.Алмалык, ул Примкулова, 6 тел.: (9987161) 3-46-08» деб кўя қолинади. Шуми, ўзбек тили — давлат тилига хурмат, эҳтиром? Маҳсулот эгалари ўз хатти-ҳаракатларини «Бу паста четга экспорт қилинади, шунинг учун ҳам маълумотларни ўзбек тилида жойлаштирилди», деб оқлашга уринишиша ҳам ажаб эмас. Бироқ шу замин-

ТИЛ ҚАНДАЙ ЮКСАЛАДИ?

Учинчидан, қабул қилинган қонунларнинг айримларида учрайдиган мавҳум ўринлар маълум маънода ўзбек тилининг сўзайишига, мавқеини бой бернишига сабаб бўлмоқда. Фикримизни далиллашга эса мисоллар кўн.

Асосий марказий газеталарнинг шу йилги айрим сонларida маҳаллий корхона ва ташкилотларнинг реклама ва эълонлар матни рус тилида чоп этилган. Шундай, ўзбек газеталарида русча эълонлар бериш одатий ҳолга айланди. Ўзбекистон телевидениесининг барча каналларида турли маҳсулот ва хизматларнинг reklами рус тилида қайта-қайта бемалол намойиш этилиши ҳеч кимни ажаблантирмай қўйди. Дарҳақиқат, ўзбек тилидаги OАвда миллий тил чекланяётганини кузатишими мумкин. Айни бир шароитда кўча-қўйда, жамоат транспорти ва автобекатлардаги турли хил эълонларнинг аксарияти хорижий тилларда эканидан таажжубланса ҳам бўлади.

Бироқ бу газеталар ва телерадио каналлари мавжуд қонуларни мутлақо бузатгани ёки айланниб ўтаётгани ҳам йўк, аслида амалдаги қонун номукаммал. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасида шундай ёзилган: «**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ёки reklama beruvchinining xohishi kura bosqacha tilla**рда тарқатилади». Савол туғилади, берувчининг хошишига кўра бошқа тилларда тарқатилади. Савол туғилади, берувчининг хошишига кўра reklama istalgan tilla tarkatilalar эканини дўйим қизиқтириши, ташвишга солиши керак, назаримда.

Миллий маҳсулот сифатида ётироф этилаётган айрим ички маҳсулотларда, уларнинг ёрлиқ-

Muamto

таб' дастури даражасида биладиган киши топилмаганидан афсусланасан.

Ўзбекистон Радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйига ташриф буюрганда, кираверишдаги «Телефон рақамлари» тахтасидаги ёзувларни ўқиб, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллӣ авиакомпанияси йўловчи барча эканини тушунасан. «Хаво совутиш ва мутадиллар цехи», «Манавият бош мухарририяти», «Маъориф ва тарбия бош мухарририяти», «Хорижий мамлакатларга эштиришлар бошқармаси» каби жумлаларни ҳар ҳолда олий маълумотли журналистлар ёзганини ишонмасанг-да, ҳамкасларинг шу лавҳани ўқиб кўрмаганидан, ўқиса-да, тузатишга журъат этмаганидан дилинг оғриди. Арзимас, майдагапга ўхшаб кўрингани билан ҳамкасларимизнинг ҳар куни ўзлари фойдаланиб, орқасидан ризқ терадиган тилимизга лоқайдилигини кўрсатадиган бу каби мисолларга дуч келганинга, беътийёр ўзингни нокулий сезасан.

ҚАТЪИЙЛИК...
ТИЛИМИЗНИ
УЛУГЛАЙДИ

Ўтган йили сентябрь ойининг сўнгидаги Тошкентда бўлиб ўтган Европа Хавфисизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Сорос жамғармаси ҳамкорлигидаги оммавий ахборот воситалари масалаларига бағишиланган «OAB эркинлиги ва коррупция» мавзусидаги тўртинчи Марказий Осиё конференциясининг очилиши олдидан мамлакатимиз ташкиси сиёsat маҳкамаси раҳбари ўринбосари (ҳозирда Ташкиишилар вазири) Содик Сафоев бир неча дақиқа ўзбек тилида ўхшатиб гапириди. Гарчи табиии ҳол бўлса-да, ҳалқаро анжуманларнинг ажнабий тилларда очилишига ўрганиб қолган аксариёт иштирокчилар бу гал Тошкент конференциясининг ўзбек тилидаги нутқ билан очилишидан ажабландилар. Биз учун оддий туюлгани билан кириш сўзининг ўзбек тилида бўлиши ватанпарварликдан нишона эканини тўғри тушунишга ўрганишимиз, бундай ҳаракатлардан ибрат олишимиз керак, назаримда. Демоқчимизки, ўзбек заминида ўтадиган, тилимизнинг ҳалқаро нуфузини кўтарадиган имкониятлардан бундан кейин ҳам юқори даражада фойдалансак яхши бўларди.

Қисқаси тилимизга ўзимиз кўяётган сунъий «миллий» чекловларни олиб ташлаш вақти аллақачон етган. Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонунининг тегиши маддасига ўзгаришилар киритиш лозим. Реклама OABга яхигина даромад келтиради, бироқ ҳар қандай реклама — нафакат ўзбек тили, балки, бошқа тилларда чоп этилаётган нашрларда ҳам, аввало, ўзбек тилида берилиши керак. Кўпмиллонли истеъмолчилар манфатлари инобатга олиниб исталган маҳсулотнинг маълумотномаси, ёрлиқларига ўзбек тилида изоҳ ва тушунишилар беътийёр ўзбек тилини мукаммал бўлмаса-да, мак-

«PALLADA VOSTOK»НИНГ «COBACI»

Хукуматимиз қарорига кўра, кирил алифбосидан лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига босқичма-босқич ўтиш муносабати билан матбуотда, айрим ташкилот ва мусасалар, дўкон ва дорихоналарнинг пештоқларидағи лавҳалар янги алифбода ёзилмоқда. Ҳатто айрим ташкилотларнинг расмий хатларни юритишида фойдаланидиган иш хужжатларидан ҳайратингиз ортади. Қисқа вактдан иборат ўзқатувни кисқа кенгликда тарқатиб, кўшимча вақтда хориж телеканалларини олиб ўзқатиш билан шуғуллаётган телестанциялар қанча? Бодроқдек кўпайиб кетган, исстаган тилда истаган фильмларни намойиш этиб чарчамайдиган кабелли телевидениелар, бошловчиларининг аксарияти эга-кесимидан дарак бўлмаган, мужмал, бироқ пардоэли сўзлашри билан киши энсасини қотиришдан бошқага ярамайдиган радиостанциялар фаолиятига хали «теша тегмаган»... Телерадиостанция, газета-журналларнинг кўпайгани яхши, уларнинг қайси бири яшаб қолади, қайси бири фаолиятини давом этиради — бу ҳам муҳокама мавзуси эмас. Бироқ уларда ишлайдиган ходимларнинг савияси, тили билан боғлиқ жиҳатлари бизни доимо қизиқтириши, ташвишга солиши керак, назаримда.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авикомпанияси йўловчи ва юк чиптасидаги «тайёрафоҳ», «колса», «утиш», «Битимг», «ҳаки туланмаса», «чекланганилиги», «жўмладан», «кушимча», «таш-қил», «такозо», «тз», («тез» демоқчи — Н.А.), «магнитлакнган», «чеклангнган», «рўҳсат», «кўроллар» каби бузуб ёзилган сўз ва жумлаларни кўриб ҳафсаланг пир бўлади. Шундай бой ва бообўр компанияда ўзбек тилини мукаммал бўлмаса-да, мак-

Н.АСЛОН,
журналист

